XALQ DEPUTATLARI JONDOR TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 28 - noyabr VI-72-201-2-35-K/22 Jondor tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунига асосан Жондор туманидаги “Демун” ва “Навгади” маҳаллаларидаги намунавий уй-жойлар қурилган кўчаларни номлаш тўғрисида

География объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Эксперт комиссиясининг 2022 йил 10 октябрдаги 00763-сонли хулосасини кўриб чиқиб ва “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 41-сонли, 448-модда, 2011 йил, 303-сонли, 10-модда)ларига асосланиб, Халқ депутатлари Жондор тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Эксперт комиссиясининг 2022 йил 10 октябрдаги 00763-сонли хулосаси асосга олинсин.

2. Жондор туманидаги “Демун” маҳалласидаги намунавий уй-жойлар қурилган кўча “Шодиёна” номи билан, “Навгади” маҳалласидаги намунавий уй-жойлар қурилган кўча “Экология” номи билан аталсин.

3. Жондор тумани ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси (И.Музаффаров), Жондор тумани маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш бўлими (Р.Саъдуллаев), Жондор тумани статистика бўлими (К.Исмоилов), Давлат кадастрлар палатаси Бухоро вилояти бошқармаси Жондор тумани филиали (Ж.Қўчқоров)лар га тегишли давлат рўйхатидан ўтказиш идоралари билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиқиб ҳисоботларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича домий комиссия раиси Ҳ.Қараева зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **С.Ҳикматов**

Xalq deputatlari Jondor tuman
Kengashining
2022 yil 28 noyabrdagi
VI-72-201-2-35-K/22-son qaroriga
1-ilova

Жондор туманидаги “Демун” ва “Навгади” маҳаллаларидаги янги кўчаларни номлаш

РЎЙХАТИ

Т/р	**География объектнинг тури**	**Жойлашган манзили**	**География объектнинг номи**
1.	кўча	“Демун” маҳалласи	Шодиёна
2.	кўча	“Навгади” маҳалласи	Экология